Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

# ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

**к договору (контракту) от 26.01.2022 г. № 8**

**между "CHINOBOT PLAZA SANATORIYSI" МЧЖ и Когон шахар Хокимлиги на общую сумму 8983150,00**

Глава 018

Казначейский лицевой счёт 100022860064037011503018001

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4821190 | | | |
| Январь | 8 983 150,00 | | | 8 983 150,00 |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **8 983 150,00** | | | **8 983 150,00** |

Всего 8983150,00 сум — Восемь миллионов девятьсот восемьдесят три тысячи сто пятьдесят сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 8983150,00 сум или 100,00%*** от общей суммы договора
подлежат предоплате в январь мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ____________ (подпись) Давлатов Хаёт Хасанович (Ф.И.О.)

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ____________ (подпись) Нишонова Гулноз Хамроевна (Ф.И.О.)

Принял работник казначейского подразделения ____________ (подпись)

Получил работник заказчика ____________ (подпись)

«___» ________________ 20___г.

«___» ________________20___г.

**Хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги**
**ШАРТНОМА № 8**

**Тошкент шаҳри** **2022 йил « 26 » январь**

Бир тарафдан кейинги ўринларда **"Ижрочи"** деб номланувчи **MCHJ "CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI"**, Устав асосида ҳаракат қилувчи директор **Мусаева Дилноза Мирзахидовна** шаҳсида, иккинчи тарафдан кейинги ўринларда **"Буюртмачи"** деб номланувчи Когон шахар Хокимлиги**,** низом асосида ҳаракат қилувчи Давлатов Хаёт Хасанович шаҳсида, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. **"Буюртмачи"** ўз зиммасига, ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлмиш ўзининг аризасида кўрсатилган, кейинги матнда **"Мижоз"** деб номланувчи юридик шаҳсга **"хизматлар"** деб номланувчи соғломлаштириш ва диагностика хизматлари кўрсатишни топшириш, **"Ижрочи"** эса ўз зиммасига ушбу хизматларни **"Мижоз"**га кўрсатиш мажбуриятини олади. Аризада бир нечта шахс кўрсатилиши мумкин.
1.2. Хизматлар кўрсатиш жойи – **MCHJ "CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI"** .
1.3. Хизматлар йўлланмалар билан расмийлаш тирилади, **"Буюртмачи" "Ижрочи"** томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақини ушбу шартномада белгиланган шартлар асосида тўлаш мажбуриятини олади.
1.4.

| № | Номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Миқдори |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Кунлик курс Йулланмаси | Кун | 11 | 816 650 | 8 983 150 |

Йўлланма нархи: 8 983 150сум (Саккиз миллион туккиз юз саксон уч минг бир юз эллик сум ) ни ташкил қилади.
1.5. Йўлланма бўйича жойлашиш муддати 2022 йил "02"январдан 2022 йил "13"январгача. Умумий кунлар сони 11 (Ун бир кун ). Санаторияга жойлашиш ва чиқиб кетиш вақти соат 10:00 гача.
Акс холда кошимча яна бир кун учун толов килинади.
1.6. Қўшимча тиббий ва бошқа сервис хизматлар йўлланма нархига кирмайди, уларнинг ҳақи **"Буюртмачи" ёки "Мижоз"** томонидан **"Ижрочи"** ёки хизматлар кўрсатиш жойининг маъмурияти томонидан белгиланган нарх ва тартибда тўланади.

## 2. ИЖРОЧИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**"Ижрочи" қўйидаги мажбуриятларга эга:**
2.1. Йўлланма(лар) ҳақи **"Буюртмачи"** томонидан тўланганидан сўнг унга ёки **"Мижоз"**га йўлланма бланкини бериш;
2.2. **"Буюртмачи"**га соғломлаштириш хизматларининг турини тўғри танлаш имкониятини таъминловчи керакли ва ҳаққоний маълумотлар бериш;
2.3. **"Буюртмачи"**ни йўлланма фақат унда кўрсатилган **"Мижоз"**(лар) учун ва фақат унда кўрсатилган муддатларда ҳақиқий эканлиги тўғрисида хабардор қилиш;
2.4. **"Буюртмачи"**ни йўлланмалар кунлар йиғиндиси ва келганлар сонига қараб қайта ҳисобланмаслиги тўғрисида хабардор қилиш;
2.5. **"Буюртмачи"**ни ва **"Мижоз"**(лар)ни, агар **"Мижоз"**(лар) хизматлар кўрсатиш жойидаги яшаш меъёр ва қоидаларини қўпол равишда бузишлари ҳолларида, у(лар)нинг яшаши муддатидан аввал бекор қилиниши тўғрисида хабардор қилиш. Бунда йўлланманинг қолдиқ қиймати қайтарилмайди;
2.6.**"Буюртмачи"**ни ва **"Мижоз"**(лар)ни, агар **"Мижоз"**(лар) **"Ижрочи"** айбисиз белгиланган муддатдан кечикиб келсалар (муддатидан аввал кетсалар), йўлланма нархи қайта ҳисобланмаслиги ва қолдиқ қиймати (қолган кунлар учун қиймати) қайтарилмаслиги тўғрисида хабардор қилиш;
2.7.Санаторияга 4 (тўрт) ёшга тўлмаган болалар қабул қилинмайди.

## 3. БУЮРТМАЧИ ВА МИЖОЗЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. **"Мижоз"**нинг мажбуриятлари:
3.1.1. Бир йўлланма билан фақат йўлланмада исми-шарифи кўрсатилган шаҳсни мазкур шартноманинг 1.5.бандида белгиланганган муддатда санаторияга етиб келиши.
3.1.2. **"Мижоз"**лар йўлланма бўйича хизматларни олишлари учун ёнларида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:
– йўлланма, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат, ҳамда санатор-курорт даво олиши учун унинг саломатлиги тўғрисидаги тиббий ҳужжат - санатор-курортлар картаси (СКК).
3.1.3. Жойидаги интизомни тартибга солувчи меъёрларга риоя қилиш.
3.1.4. **"Мижоз"** зарар етказилган ёки йўқотилган санатория мулки ҳақини тўлиқ қоплаб бериш.
3.2. **"Буюртмачи"**нинг мажбуриятлари:
3.2.1. Ушбу шартномага мувофиқ **"Ижрочи"** хизматлари ҳақини тўлаш;

3.2.2. Келиш кунидан камида 15 календарь куни аввал хизматларни брон қилиш. **“Буюртмачи”** аввалдан ҳабар бермаган ҳолда ва (ёки) **“Ижрочи”** хизматлари ҳақини тўламаган ҳолда келса, **“Ижрочи”** унинг жойлашишига кафолат бермайди.

## 4. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. **“Буюртмачи”** пул маблағларини **“Ижрочи”** ҳисоб рақамига ўтказиш ёки **“Ижрочи”** кассасига киритиш йўли билан хизматлар ҳақини тўлайди. Тўлов киритилган сана бўлиб пул маблағларининг **“Ижрочи”** ҳисоб рақамига келиб тушиши ёки **“Ижрочи”** кассасига қабул қилиниши санаси ҳисобланади. 100% олдиндан тўлов амалга оширилади. Йўлланмалар буюртмачи ишончномасида кўрсатилган шаҳсга ишончнома орқали берилади.

4.2. **“Буюртмачи”** томонидан тўлов **“Ижрочи”** томонидан ёзиб берилган хужжат асосида амалга оширилади.

4.3. Кўрсатиладиган хизматлар нарҳи ўзгарган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик, **“Буюртмачи”** томонидан йулланмага олдиндан утказилган пул маблаги учун қўшимча тулов қайта хисоб-китоб килинади.

## 5. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. **“Буюртмачи”** томонидан ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса, ҳар бир тўлов ўтказилмаган кун учун 0,4%гача миқдорда пеня тўловларини тўлайди, лекин бу пеня тўлов суммаси асосий тўлов суммасининг 50%дан ошмаслиги керак.

5.2. Агар **“Буюртмачи”** ушбу шартнома бўйича хизматларни рад этса, **“Ижрочи”**, қолган муддатга боғлиқ равишда, 50% гача неустойка тўланишини талаб қилишга ҳақли.

5.3. Бошқа ҳолларда тарафлар жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор ҳолатлар содир бўлса, тарафлар 5 кун ичида, шартнома шартларини аниқлаштириш мақсадида музокаралар олиб бориш учун, бу ҳақда бир-бирларини ҳабардор этишга мажбурлар.

## 7. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланиши, **“Ижрочи” “Буюртмачи”**ни хизматлар кўрсатилишининг барча шартлари тўғрисида хабардор этганлиги, **“Буюртмачи”** эса уларни қабул қилганлиги тўғрисида далолат беради.

Тарафлар шартнома нусхалари билан почта, электорон почта ёки факсимиль алоқа орқали алмашишлари мумкин.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИ МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланган санадан кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади. Ушбу шартноманинг амалда бўлиши муддати давомида **“Буюртмачи”** хизматлар кўрсатилиши учун исталган миқдорда ариза бериши мумкин.

8.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада ўзбек тилида тузилган бўлиб, ҳар бир тарафда биттадан сақланади.

## 9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

9.1. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш имконияти бўлмаганда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ ҳал этилади.

## ТАРАФЛАР МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**MCHJ**
**“CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI”**

**100039, Тошкент шхри, Юнусобод тумани,**
**Чинобод кўчаси 88а-уй**
**ХАТБ «ДАВР-БАНК» Юнусобод ф-л**
**х/р: 2020 8000 9052 7456 2001**
**СТИР: 307 699 779, БММ: 01122**
**Тел.: (+998 55) 503-36-36**
**Директор**
**Мусаева Д.М.** ____________________

**БУЮРТМАЧИ**

Когон шахар Хокимлиги
Бухоро шох кўчаси 14 уй
52.4.55.68 мфо 00014
р/с. 23402000300100001010
ИНН 201108934 ОКНХ 97600
ш/х.р. 100022860064037011
МОБ ХКК.М Тошкент шахри
Когон ш. Газначилиги
ИНН. 201122919 ОКЭД 84112
Р.Х. Довлатов

Юрист Сафоев Ч.

3508762

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

07.09.2020 888570 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 307699779

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Yunusobod tumani, CHINOBOD KO'CHASI,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT *
CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI HOKIMINING
# FARMOYISHI

**200118. Buxoro viloyati, Buxoro shahri, I.Mo’minov ko’chasi 1-uy. Tel.:(365) 224-34-85, Faks: 223-05-95 e-mail: info@buxoro.uz, buxoro@exat.uz**

Buxoro viloyati hokimligi

2021 - yil 30 - dekabr 109-2-0-F/21

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 25 декабрдаги 2-3732-сонли топшириғига биноан вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, маслаҳатчилари ва ёрдамчилари, ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, туман ва шаҳар секторлари раҳбарларининг меҳнат таътилига чиқишлари ва даволанишлари муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 25 декабрдаги 2-3732-сонли топшириғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларига 1-иловага мувофиқ, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ёрдамчилари, маслаҳатчилари ва ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбарига 2-иловага мувофиқ меҳнат таътиллари берилсин. Фойдаланилмаган меҳнат таътилининг кунлари ходимларнинг хоҳишига кўра пуллик компенсация билан алмаштирилсин.

3. Меҳнат таътилига чиқаётган туман ва шаҳар ҳокимларининг вазифалари 3-иловадаги рўйхатга мувофиқ вақтинча ҳоким ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

4. Туман ва шаҳар хокими вазифалари вақтинча юклатилган ҳоким ўринбосарлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ қарор ва фармойишлар туман ва шаҳар ҳокими билан келишилгандан кейин қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

5. Туман ва шаҳар хокимларига ҳоким ўринбосарларининг соғлигини тиклаш мақсадида 2022 йилнинг 17 январдан уларни меҳнат таътилига

чиқарилишини таъминлаш топширилсин.

6. “Ситори Моҳи-Хоса” санаторийси (Ф.Ҳакимов) туман ва шаҳар сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ўринбосарларининг санаторийда даволаниши ва соғлигини тиклаши учун тегишли шарт-шароитларни яратсин.

7. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (А.Бахронов)га:

туман ва шаҳар секторлари раҳбарлари ҳамда ҳоким ўринбосарларининг даволаниши билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилиш;

даволаниш якунлари бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритиш топширилсин.

8. Вилоят маданият бошқармаси (Ш.Раҳмонов) ушбу раҳбарлар даволанаётган “Ситори Моҳи-Хоса” санаторийида таниқли санъаткорлар иштирокида маданий тадбирларни ташкил этсин.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, маслаҳатчилари ва ёрдамчиси, ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда улар ўринбосарларининг даволанишлари билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

10. Мазкур фармойиш ижросининг назорати вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Н.Холмуродов зиммасига юклатилсин.

**Бухоро вилояти ҳокими** **Б.К.Зарипов**

Бухоро вилоят ҳокимининг
2021 йил 30 декабрдаги
109-2-0-F/21-сон фармойишига
1-илова

## 2022 йилнинг 1-15 январь кунлари соғлигини тиклаш мақсадида меҳнат таътилига чиқадиган туман (шаҳар) ҳокимларининг РЎЙХАТИ

| Т/р | Лавозими | Ф.И.Ш. |
|---|---|---|
| 1. | Бухоро шаҳар ҳокими | Насиров Джамол Шухратович |
| 2. | Когон шаҳар ҳокими | Давлатов Ҳаёт Ҳасанович |
| 3. | Бухоро тумани ҳокими | Жураев Хайрилло Кодирович |
| 4. | Вобкент тумани ҳокими | Умаров Фарход Бакоевич |
| 5. | Жондор тумани ҳокими | Ҳикматов Санъаттилло Нусратович |
| 6. | Когон тумани ҳокими | Эсанов Муҳиддин Турдиевич |
| 7. | Олот тумани ҳокими | Нематова Наргиза Исамиддиновна |
| 8. | Пешку тумани ҳокими | Қаххоров Вахоб Ҳамитович |
| 9. | Қоракўл тумани ҳокими | Тохиров Хуршид Яхёевич |
| 10. | Қоровулбозор тумани ҳокими | Остонов Акмал Анварович |
| 11. | Гиждувон тумани ҳокими | Ашуров Шерзод Рахимович |